

# Усмон Носир

## ШЕЪРЛАР

ШОИР КУТУБХОНАСИ

# Усмон Носир

*Шеърлар*



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2016

**84(5Ў)6-5**
**Н 80**
**Носир, Усмон.**
Шеърлар. [Матн] / У. Носир.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016. – 48 б.– (Шоир кутубхонаси).

**КБК 84(5Ў)6-5**
**УЎК 821,512.133**-1

Ғоя муаллифи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи
***Мирпўлат МИРЗО***

ISBN 978-9943-06-591-8

©Усмон Носир. Шеърлар.
©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016 й.

*Усмон НОСИР 1912 йил 13 ноябрда Наманганда туғилган. Гўдаклигида отасидан етим қолиб, ўгай ота қўлида тарбияланади.*

*Усмон Носир 30-йиллар бошларида ўзбек шеъриятига чақмоқ бўлиб кириб келди. Қисқа вақт ичида унинг 4 шеърий тўплами чоп этилади. Ушбу тўпламларга кирган «Монолог», «Юрак», «Яна шеъримга», каби шеърлар ўша давр ўзбек шеъриятининг энг сара намуналаридан бўлди.*

*«Нахшон» достони оташин шоирнинг лироэпик жанрларда ҳам етук асарлар яратиши мумкинлигини намойиш этди.*

*Усмон Носир ижодида таржима, айниқса, муҳим ўрин эгаллайди. У А. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани», М. Лермонтовнинг «Демон» достонларини юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирди.*

*1937 йили шоир ижодий фаолиятининг 10 йиллиги ва таваллудининг 25 йиллиги тантанали нишонланади.*

*Кўп ўтмай, у «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, Узоқ Шарқ қамоқ лагерларига юборилади.*

*Усмон Носир ўша ерда 1944 йил 9 мартда вафот этган.*

## ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй, сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/3864 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/3864 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/3864